



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БШЛАГАН

№ 201 (7341).

22 октябрь, 1980 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1980 йил 21 октябрь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси ўртоқ Н. К. БАЙБАКОВнинг «1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани тўғрисида» ва СССР Молия министри ўртоқ В. Ф. ГАРБУЗОВнинг «СССРнинг 1981 йилги давлат бюджети ҳамда СССРнинг 1979 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисида»ги докладларини тинглади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ катта нутқ сўзлади.

Музокарада Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. АШИМОВ, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. ДЕМИРЧЯН, Воронеж радио де-таллари заводи слесарь-электромонтажчида бри-гадери С. Н. САВИН, КПСС Краснодар ўлка ко-митетининг биринчи секретари С. Ф. МЕДУНОВ, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. УСУБАЛИЕВ, КПСС Но-восибирск область комитетининг биринчи секрета-ри А. П. ФИЛАТОВ, СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри В. С. ФЕДО-РОВ, КПСС Москва шаҳар комитетининг бирин-

чи секретари В. В. ГРИШИН, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РО-МАНОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Украина Компартияси Марказий Комитетининг би-ринчи секретари В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳо-кама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилин-моқда.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий

Комитетининг секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ-ни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ

Т. Я. КИСЕЛЕВни КПСС Марказий Коми-тети Сийсий бюросининг аъзосига кандидат қи-либ сайлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пле-нуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани ҳамда давлат БЮДЖЕТИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. 1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ри-вожлантириш давлат плани ҳамда давлат бюджет-тининг лойиҳалари асосан маъқуллансин.

СССР Министрлар Советига шу лойиҳаларни СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси му-ҳокамасига қўйиш тавсия этилсин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Бош секрета-ри ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг шу Пленумда сўзла-ган нутқида баён этилган қоида ва ҳулосалар тў-ла-тўқис ва батамом маъқуллансин, бу қоида ва ҳулосалар барча партия, совет, ҳўжалик органла-ри, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг

1981 йилги плани тўла ва ошириб бажариш, со-вет халқи фаровонлигини юксалтириш манфаат-лари йўлида иқтисодий тараққиётнинг интегсив омилларидан янада тўлароқ фойдаланиш соҳаси-даги фаолиятга асос қилиб олинсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат ишчилари, колхозчилари, зиёлилари,

барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг XXVI съездини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан қу-тиб оладилар, ўн биринчи беш йилликнинг бирин-чи йили—1981 йил планини муваффақиятли ба-жариш учун бутун қуч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 21 октябрдаги Пленумида ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ўртоқлар! Биз бугун пар-тиянинг XXVI съезди чақи-риладиган 1981 йил — ян-ги, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили бўлиши билан бюджет лойиҳаларини муҳока-ма қилишимиз керак. Бу эса бизнинг зиммамизга муҳока-этиладиган масалаларга кенг партиянинг позицияларда ту-риб ёндашиш мажбуриятини юклайди.

Ҳақиқат беш йиллик яку-лари — бу, табиий, план ло-йиҳасининг бошланғич негиз-идир. Ўтган йиллар партия-нинг XXIV ва XXV съездла-рида ишлаб чиқилган иқтисо-дий стратегия тўғрисидаги та-ҳлилни тасдиқлади. Мамлака-тининг иқтисодий ва му-ҳокама потенциални анча ўсди. Бугун халқ ҳўжалигини ри-вожлантириш, катта ва му-ҳим социал вазифаларни ҳал этиш соҳасида олға қараб ян-ги жуда катта қадам қўйил-ди. Хуллас ҳозирги беш йил-лик қилиб ишонч билан коммунизм йўлидан олға бо-раётган совет халқининг қа-ҳрамонона ишлари тарихида муносиб ўрин олади. (Да-вомли қарсаклар).

Сизларга маълумки, пар-тия халқнинг турмуш дара-жасини ўстиришни эконо-мик соҳасидаги амалий иш марказига қўйди. Беш йил ичида миллий даромаддан халқ фаровонлиги билан бо-ланган мақсадлар учун тўн-дизинчи беш йилликдаги нисбатан 329 миллиард сўм-дан кўпроқ маблағ ажратиб берилди. Ишчилар, хизмат-чилар, колхозчилар реал до-ромадлари кўпайди.

Иқтисодий истеъмол фонд-ларидан тўлов ва имтиёзлар 134 миллиард сўм кўпайди. Бу эса совет ишчиларининг бепул билим олиши, ме-дицина ёрдами, дам олиши, қари-ганда моддий яхшилатдан таъ-минланиши юзасидан конети-туцияда белгиланган ҳуқуқ-ларини амалга оширишнинг иқтисодий негизини кенгай-тирди.

Уй-жой қурилишига бирин-чи даражада эътибор берил-ди. Уй-жой қурилишига му-лажалланганидан 1,5 милли-ард сўм кўпроқ капитал маб-лағ сарфланди. Аҳоли беш йил ичида тахминан ярим миллиард квадрат метр уй-жой олади. Шаҳарлар аҳо-лисининг салкам 80 процен-

ти ҳозирнинг ўзидаёқ ало-ҳида квартираларга эгадир. Экономиканинг умумий юксалиши, мамлакат ишлаб чиқариш қудратининг барча йўналишларда муттасил юк-салиб бораётганлиги — ана шу ютуқларнинг негизидир. Саноат маҳсулоти аввалги беш йилликдагига нисбатан 717 миллиард сўм, қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти 50 мил-лиард сўм кўпроқ ишлаб чи-қарилади. Шу давр ичида миллий даромад 397 мил-лиард сўм ортади.

Халқ ҳўжалигига 635 мил-лиард сўм сарф қилинди. Бир минг икки юзтадан зи-ёд йirik саноат корхонаси ишга туширилди. Булар ора-сида халқ ҳўжалиги учун жуда муҳим бўлган ва энг юксак талабларга жавоб бе-радиган объектлар оз эмас. Ғарбий Сибирь меҳнаткаш-лари аjoyиб муваффақият-ларга эришдилар. Улар беш йил ичида нефть қазиб чиқа-ришнинг икки баравардан зи-ёд, табиий газ қазиб чиқа-ришнинг қарибб тўрт ярим ба-равар кўпайтирилди.

Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг ривожлантириш соҳасида олға қараб катта қадам қўйилди. Шу беш йил-ликда ҳар йили олинган ўр-тача дон ҳосили биринчи марта икки юз миллион тоннадан ортиб кетди. Қозо-ғистонни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Қозоғис-тон беш йил ичида давлатга тўрттинчи марта бир милли-ард пуддан ортиқ галла сот-ди ва беш йиллик планини ошириб бажарди. (Қарсак-лар). Краснодар ўлкаси, Оренбург ва Кустанай об-ластларининг меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришиб, уларнинг ҳар бири беш йил мобайнида бир мил-лиард пуд ва ундан ҳам кўп-роқ дон топишди. Пахтадор республикалар пахта терими беш йиллик планини бажар-дилар.

Ҳар бир беш йиллик ўз қаҳрамонларини яратди. Ҳо-зирги беш йиллик ҳам бун-дан мустасно эмас. Биз тез орада беш йилликнинг узи-л-кесил натижаларини яку-лаштиришга, энг яхши нати-жалар, шубҳасиз, Ватанинг юксак мухофотларига сазо-вор бўладилар. Аммо КПСС Марказий Комитетининг пле-

нуми мамлакатимизни яшна-тиш учун кўп иш қилган бар-ча илгор коллективларга, шаҳар ва қишлоқларнинг бар-ча меҳнаткашларига ҳозирги куннинг ўзидаёқ миннатдор-чилик, самимий ташаккур сўзлари билан мурожаат қи-лиш учун ҳамма асосларга эгадир. (Давомли қарсаклар).

Халқ ҳўжалигини ривож-лантиришда ҳамма ишлар ҳам силлиқ борди, деб бўл-майди, албатта. Кўпгина қийинчиликларни бартараф қилишимизга тўғри келди ва тўғри келмоқда. Бу қийин-чиликларнинг қўни шу бил-ан боғланганки, беш йил-ликнинг атиги 1976 ва 1978 йилларига қишлоқ ҳўжа-лиги учун нисбатан кулай кел-ди, деб ҳисоблаш мумкин. Қолган уч йил сўғил йиллар-да бўлмади. Фойдали қи-лзма чиқариладиган қўни-га эски қонлар, шу жумла-дан йirik қонлар планлар-нинг тўғаб қолганлиги, қончилик саноати асосий марказларининг Шарқ ва Шимолга жойлаштирилиши мушкуллик туғдирди.

Ушун сўраётларига ҳала-қит бериб турган объектив сабабларга ишдаги камчи-ликлар ҳам келиб қўшилди. Ошқ эътироф қилиш кераки бошқарил ва планлаштириш механизмининг ҳўжалик юри-тиш методлари ва иқтисоди-дий интизомини ҳозирги за-мон талаблари даражасига ҳозирча кўтара олмадик. Бу эса самарадорлик сари бу-рилиш эҳсини, халқ ҳўжа-лигини интегсив ривожла-тиш йўлига кўчирилиши қи-йинлаштирди. Бир қанча по-зициялар бўйича планлар-нинг бажаришга қўлини, халқ ҳўжалигига камчилик ва танг жойлар рўй бериши-нинг муҳим сабабларидан бири шудир.

Шу билан бирга бизнинг мамлакатимиз қудратли иқ-тисодий ва илмий-техника-вий потенциалга, юқори ма-лакали кадрларга эга бўл-гани ҳолда 80-йилларга қадам қўйишга истамай. Биз кела-жакка ишонч билан назар солишмоқдамиз. (Давомли қар-саклар).

Н. К. Байбаков ва В. Ф. Гарбузов ўртоқларнинг док-ладидан маълум бўлишича, 1981 йил плани ва бюджети

бутун мамлакат эконо-миксининг ва ҳар бир итти-фодош республика эконо-миксининг янада ўсишини таъминлайди. Ёқилги—энер-гетика комплексини, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик ва транспортни ривожлантириш учун кўп маблағ ажратиб бе-рилади. Ресурсларни капи-тал қурилишга тўплаш юза-сидан тадбирлар белгиланди. Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаруви саноат тармоқларини ўсти-риш сўраётлари оширилди. Йили социал тадбирлар кў-да тутилди.

Бу ҳўжатлар халқ ҳўжа-лигига мавжуд бўлган про-блемалар ва танг жойларни, табиий ақс эттирди. КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси, жумладан, бир қанча тошйирларнинг гойат тизимлиги, материал-техника ресурсларининг баъ-зан турли, юк ташин юза-сидан планининг балансла-штирилмаганлигини кўрсатди. Шу босқичдан план тошйир-ларнинг пухта ташкилотчилик иши, юксак интизом ва қат-тич назорат билан мустаҳ-камлаш зарур.

Умуман план ва бюджетга баҳо берганда улар умумий иқтисодий сийсатимизга мос эканлигини айтиб ўтиш ке-рак. Улар партиянинг халқ турмушини даражасини янада юксалтиришга, моддий иш-лаб чиқаришни ривожланти-риш ва унинг самарадорли-гини оширишга, давлатимиз-нинг муҳофаа добилиятини таъминлашга, қардош соҳа-лам мамлакатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш-га қаратилган йўлини давом эттирди. Хуллас, халқ ҳў-жалигини ривожлантириш учун яхши негиз яратилмоқ-да. (Қарсаклар).

Буларнинг ҳаммаси Сий-сий бюрого 1981 йил план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллаш ва уларни КПСС Марказий Комитети-нинг пленуми муҳокамасига қўйиш имконини берди.

Энди келгуси йилдаги ҳў-жалик фаолиятини ҳам, ўн биринчи беш йилликда эконо-микани ривожлантиришга ҳам бевосита алоқадор бўл-ган баъзи умумий масала-ларга тўхталиб ўтишни и-стамай. Бу масалаларни ўр-тага қўйиш шу жиҳатдан

ҳам ўринлики, 1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда СССРни иқти-содий ва социал ривожлан-тиришнинг асосий йўналиш-ларини тайёрлаш энг масъу-لياتли босқичга қадам қўй-ди.

Мен бу масалалар ҳақида-ги гапни металдан, транс-портдан ва ҳатто ёқилги ва энергиядан, гарчи улар жуда катта аҳамиятга молик бўл-са ҳам, бошламоқчи эмас-ман, балки шундай масала-лардан бошламоқчи бўла-манки, совет ишчиларининг турмуш шароитлари ана шу масалаларнинг ҳал этилиши-га бевосита боғлиқдир. Халқ бахт-саодати тўғрисидаги гавҳўрлик диққат марказига қўйилган тақдирда бу — партиянинг ёндашувининг худди ўзгасина деб ўйла-миз. Иқтисодий нуқтан назарга қаттиқ амак қилиб та-бирганда ҳам, пировард май-сада эришини таъминлай-диган йўлдан бориш тўғри бўлади.

Озик-овқат билан таъмин-лашни яхшилаш совет ишчи-ларининг турмуш даражасига боғлиқ бўлган масалалар орасида биринчи ўринда ту-ради.

Биз КПСС Марказий Ко-митети 1965 йил март Пле-нуми белгиланган йўлини амал-га ошира бориб, халқнинг эҳ-тиёжларини тўлароқ қонди-риш учун замонавий қишлоқ ҳўжалиги асосларини қури-дик. Биз шундай қишлоқ ҳў-жалигини истаимиз, унга эга бўла оламиз ва эга бўлиши-миз лозим. Жуда кўп иш қилинди. Мамлакатда деҳ-қончилик ва чорвачилик маҳ-сулотлари анча кўп этишти-рилмоқда. Аҳоли жон боши-га истеъмол қилиш даража-си ўсиб борапти. Аммо, биз шаҳарларни ва саноат мар-казларини гўшт ва суг ка-би озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳануз қи-йинчиликларга дуч келмоқ-дамиз.

Шу сабабли қишлоқ ҳўжа-лигига бундан буюн ҳам кўп капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратиб бериш муҳимдир. Айни вақтда биз колхоз ва совхозларда ажра-тиб бериладиган маблағ, ми-нерал ўғитлар ва техникадан

оқилона, тадбиркорлик билан фойдаланиш, улардан энг кўп самара олиш учун талаб-чанлигини кескин равишда оширишимиз керак. Мамлакатда минг-миңлаб колхоз ва совхозлар йил са-йин яхши ҳосил этиштириш-га ва чорвачиликнинг юк-сак махсулдорлигига эриши-моқдалар. Аммо капитал маблағ сарфлаш ортиб бо-раётгани ҳолда махсулот этиштириш бир неча йиллар мобайнида бир жойда тўх-таб турган ҳўжаликлар, ҳа-то бутун-бутун тармоқлар ҳам оз эмас. Иттифодош республикалар Компартия-ларининг Марказий Коми-тетлари, Министрлар Совет-лари, КПСС Марказий Ко-митетининг бўлимлари бун-дай аҳолининг сабабларини чуқур билиб олишлари ва қо-лоқлигини туғатиш чоралари-ни қўйишлари лозим.

Колхоз ва совхозларда из-гор тажрибани сабот-мано-лат билан жорий этиш, меҳ-нат ва ишлаб чиқаришнинг та-ши-ли этишини яхши йўлга қў-йиш керак. Кадрларнинг ма-воабгарлигини ошириш, иш-да ташаббускорлигини кучай-тириш, майда-чуйда ишлар-га аразлашмишга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарла-ри ҳақида мутахассисларга маъмурий муносабатда бў-лишга йўл қўймастик жуда муҳимдир.

Қишлоқ ҳўжалигининг им-кониятларидан самарали фойдаланиш қишлоқнинг со-циал проблемаларини ҳал этиш билан chambarchас бо-ланган. Бу соҳада кўп иш қилинди, лекин янада кўп иш қилиш керак. Қўп район-ларда шинам уй-жойлар, ма-шиний хизмат ва маданият муассасалари, яхши йўллар этишмайди. Бу ҳол барқа-рор меҳнат коллективларини шакллантиришда қийинчи-ликларни кўнжудга келтирди ва бу билан катта нобуддар-чиликка олиб боради. Қиш-лоқни қайта қўриш пробле-маларини асосли равишда зўр гайрат билан ҳал этиш, бунинг учун умумдавлат миқёсида ҳам, республика-лар, ўлка ва областларда, ҳар бир колхоз ва ҳар бир совхозда ҳам зарур ресурсларни қийириб топиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

21 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси, СССР Олий Со-вети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиуми-нинг навбатдаги мажлиси бўлди.

Президиум аъзолари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябр, Пленуми якуларини, КПСС Марка-зий Комитети Бош секрета-ри, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўр-тоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг Пле-нумда сўзланган нутқини зўр мамуният билан қутиб ол-дилар. Маъмур нутқида мам-лакатни иқтисодий ва соци-ал ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларни ҳар то-монлама янада қилинган, партия билан халқнинг куч-гайратлари энг кўп даража-да сафарбар этилишини та-лаб қилувчи вазифалар ўр-тага қўйилган, КПСС XXVI съездини муносиб қутиб олиш учун умумхалқ кура-шининг улуғвор манзараси тасвирлаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ



Ўртоқ М. С. Горбачев 1931 йилда туғилган, 1952 йилдан бўён КПСС аъзоси. М. В. Ломоносов номи Москва Давлат университетини ва Ставрополь қишлоқ ҳў-жалик институтини тугатган. У ўзининг меҳнат фаоли-ятини 1946 йилда комбайн-

чи ёрдамчисидан бошлаган, 1955 йилдан комсомол ва партия ишида; ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комите-тининг биринчи секретари, ўлка комсомол комитети бў-лим муҳторини ўринбосари, иккинчи, биринчи секретари, территориал ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармаси-нинг партия ташкилотчиси лавозимларида ишлади. 1963 йилдан бошлаб КПСС ўлка комитетининг бўлим мудир, Ставрополь шаҳар комитети-нинг биринчи секретари, КПСС ўлка комитетининг ик-кинчи секретари бўлди. 1970 йилдан КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари лавозимида иш-лай бошлади. 1978 йилда КПСС Марказий Комитети-нинг секретари, 1979 йилда эса КПСС Марказий Коми-тет Сийсий бюроси аъзоли-гига кандидат қилиб сайлан-ди.

У бир қанча чақирғи СССР Олий Советининг де-путатидир.

